



Тараққиётнинг тамал ТОШИ

Билим инсонни шарафлайди. Ҳазрат Одам алайҳиссаломни фаришталардан юксак мақомга кўтарган сир ҳам илм эди. Куръонда ёзув курули бўлган қалам улуғланади, айнан унга ва у ёзган сатрларга қасам ичилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни ёнларидаги Ҳилол исмли кишидан: **“Қаламинг борми?”** деб сўрайдилар. **“Йўқ”** жавобини эшитгач: **“Қаламсиз юрма, эй Ҳилол. Чунки эзгулик ундадир. Қиёматга-ча унга содиқ бўлганлар чиқади. Инсонлар қалам ила юксаладилар. Олим қўлидаги қаламнинг сиёҳи шаҳиднинг қони билан тенгдир”**, дея таъкидлайдилар.

Қайси бир ривожланган мамлакатнинг тараққиёт йўлига назар ташласак, ўша мамлакатда ёшлар таълим-тарбиясига юксак даражада эътибор берилганига гувоҳ бўламиз.

Буюк аллома Абу Наср Форобий бобомиз бундай дейди: “Инсонда гўзал фазилятлар икки йўл – таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш,

тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир”.

Дарҳақиқат, таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўргатилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари сингдирилади, касб-ҳунарга оид малакалар ҳосил қилинади. Жамиятнинг тарбиявий-таълимий салоҳиятини мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий муҳитини яхшилаш шуни тақозо этади.

Ҳазрат Али розияллоҳу анҳу айтади: “Олим киши кечалари қойим, кундузлари рўзадор мужоҳирдан афзалдир. Олим вафот этса, Ислонда бир ёриқ пайдо бўлади. У ёриқни фақат олимнинг ўринбосаригина тўлдирди”. Қаранг, илм соҳибининг рутбаси қанчалар баланд!

Мазҳаббошимиз Имоми Аъзамнинг шогирди Имом Муҳаммаднинг илмга иштиёқи шу қадар кучли эдики, ўзини қўярга жой топа олмасди. Вафотидан кейин у зотни тушида кўрган

дўсти сўрайди: “Қандай жон бердингиз?” “Илмий бир масала билан шуғулланаётган эдим, жоним қандай чиққанини сезмай қолдим”.

Бугунги мураккаб ва шиддатли замон барча соҳалар қатори таълим-тарбия тизимини ривожлантиришни олдимизга ғоят муҳим ва долзарб вазифа сифатида қўймоқда. Чунки тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир.

Ҳар бир ота-она фарзандининг маърифатли ва салоҳиятли бўлишини истайди. Бунга эса илм воситасида эришилади. Шундай экан, ёшлар маънавияти, тарбияси масаласида маҳалла, ота-оналар ва таълим муассасаси ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарур. Ҳар биримиз фарзандларимиз таълим-тарбиясига эътиборсиз бўлмаслигимиз, аксинча, ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва руҳий камолотини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ,
Ангийўл тумани “Имом Султон”
жоме масжиди имом-хатиби

Динимизни ўрганамиз

Тавҳид – Ислон динининг асоси ҳисобланади. Шу ўринда “тавҳид” сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари билан танишиб чиқсак.

Муҳаммад Анвар Бадахшоний “Ақидатут Таҳовий”га ёзган шарҳида “тавҳид”нинг луғавий маъносини бундай изоҳлаган: «“Тавҳид” луғатда бирор-бир нарсага бирлик ва ёлғизлик нисбатини бериш ва ундан кўпликни инкор этишни англатади».

“Тавҳид”нинг истилоҳий маъносини Мулла Али Қори

Тавҳид

рахматуллоҳи алайҳ: “Абадий Зотнинг яккаю ягоналигини тасдиқлаш тавҳид деб аталади”, дея таърифлаган.

“Қомусул муҳийт” китобида: “Тавҳид ёлғиз Аллоҳга иймон келтиришдир”, дейилган. Муҳаммад Анвар Бадахшоний эса “Ақидатут Таҳовий”нинг шарҳида тавҳиднинг истилоҳий маъносига бундай таъриф берган: “Инсон ширкнинг ҳамма

кўринишларидан ўзини сақлаб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, яккаю ёлғиз эканига эътиқод қилиши тавҳид деб аталади”.

Ҳар бир мусулмон ҳаётини тавҳид билан бошлаб, у билан тугатади. Тавҳид эътиқоднинг асли бўлиб, мўминларни бирлаштиради ва жамлайди.

Нурмуҳаммад АМЕТНИЯЗОВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институтини талабаси тайёрлади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 22 июнь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Қатардаги Халқаро мусулмон уламолари кенгашига аъзо бўлди.

✓ 24 июнь. Макка шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркия ва Қирғизистон уламолари иштирокида туркий халқларнинг биродарлиги, иттифоқлиги ҳамда шу йилги ҳаж мавсумига бағишланган ўзаро мулоқот бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Жалолиддин Ҳамроқулов қатнашди.

✓ 25 июнь. Ўзбекистон тарихида илк маротаба 15 минг киши ҳаж амалини бажаришга киришди.

✓ 26 июнь. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Жўрабек Чўматов қомусий олим Ҳаким Термизийнинг Қуръон шарҳига бағишланган асари қўлёзмасини нашрга тайёрлади. Асар “Баҳр ат-тафсир” (“Тафсир уммони”) номи билан араб тилида Истанбул шаҳридаги “Дор ал-кутуб-арабийя” нашриётида чоп этилди.

✓ 27 июнь. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити ва Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига табрик йўллади. Шунингдек, Юртбошимиз “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

✓ 27 июнь. Давлатимиз раҳбари Фармони билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий ва марҳум шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳамда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Олий даражали Имом Бухорий” ордени билан тақдирланди.

✓ 27 июнь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Бухоро вилояти вакиллиги тизимида фаолият юритаётган отиноилар ва тарғиботчилар ўртасида ўқув-семинари ташкил этилди.

Энг аччиқ пушаймонлик

Ояти каримада келади: «Эй воҳ!!! Фалончини дўст тутмасам эди!» (Фурқон сураси, 28-оят).

Муфассир уламолар мазкур оятнинг сабаби нузули ҳақида бундай деганлар: «Баъзи таъвил аҳлининг айтишича, бу оят Уқба ибн Абу Муъайд ҳақида нозил бўлган. Уқба сафардан қайтганда ўзи яхши кўрган маккаликларни чақириб, зиёфат уюштирар эди. У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўзига дўст тутар ва у зот билан суҳбатлашишни яхши кўрар эди. Ўз навбатида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам у таклиф қилган зиёфатга борар эдилар.

Бир куни Уқба сафардан қайтгач, одатига кўра, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни зиёфатга чақирди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бордилар, аммо таомланишдан бош

тордилар ва: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Мен Аллоҳнинг расули эканимга иқрор бўлмагунингча таомингдан емайман”, дедилар. Арабларнинг одатига кўра, агар бирор киши зиёфатдан таомланмай чиқиб кетса, мезбон учун бу жуда уятли ҳисобланар эди. Уқба Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир неча бор ялиниб, таомга таклиф қилди. Аммо у зот таомга қўл узатмадилар. Шунда Уқба шаҳодат калималарини айтди.

Бундан хабар топган Убай ибн Халаф Уқбанинг олдида келиб: “Муҳаммадга мойил бўлиб, унинг таклифини қабул қилдингми?” деди ва Уқбани койиди. Убай Уқбанинг энг яқин дўсти эди-да. Уқба дўстининг гапига кириб, айтган сўзларидан қайтиб, динидан воз кечди...»

Абул Баракот Насафий

раҳимахуллоҳ оят тафсирида айтадилар: «Оятдаги “фалончи” сўзи гарчи Убай ибн Халафни англатса-да, шубҳасиз, залолатга етакловчи барча “дўст”ларга тааллуқлидир».

Абу Лайс Самарқандий раҳимахуллоҳ айтадилар: «Аллоҳ таоло Убай ибн Халафни “фалончи” деб атаб, исмини аниқ зикр этмади. Чунки у бунга арзимаиди».

Оятдаги “дўст” сўзининг икки маъноси бор:

1. Шайтон. Яъни, осий банда қиёматда: “Кошки шайтонни дўст тутмасам эди! Унинг чақириқларига итоат этмасам эди!” дея пушаймон бўлади.

2. Инсон. Яъни, осий банда қиёматда: “Қанийди фалончи билан дўст бўлмасам-у, унга тақлид қилиб, эргашмаган бўлсам эди!” деб афсус-надомат чекади.



Бу ҳақда Мулла Али Қори раҳимахуллоҳ айтади: «Улар иймонсизлар ва шукр қилмайдиган инсонлардир. Иймонсиз дўст сизни йўлдан адаштиради ва ҳалокатингизга сабаб бўлади. Мўмин ва тақводор дўст Аллоҳ таолонинг розилигига етаклайди ва саодатингизга сабаб бўлади. Куйидаги оятда шунга ишора ва далил бор: “Ўша кунда тақводорлардан бошқа дўстлар бир-бирларига душмандир”» (Зухруф сураси, 67-оят).

Олимларнинг айтишича, энг тўғри дўст қиёматда афсус-надоматга сабаб бўлмайдиган дўстдир.

Абдуллоҳ АБДУЛМАЖИД тайёрлади.

Улуғларимиз

«Шайх Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирий раҳимахуллоҳ аср имоми, муҳаддис, муфассир, фақиҳ, усулий олим, мутакаллим, муаррих, адиб, луғавий шоир, мутасаввиф ва муҳаққиқ аллома бўлган». Ушбу сатрларни ёзган шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудда раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Бу унвонларнинг биронтасида гулув ёки ортиқча мақтов йўқ. Балки ушбу сифатларга у зот ҳақиқатан ҳақли бўлганига шубҳам йўқ».

Имом Кашмирийнинг отаси Шайх Муаззамшоҳ ибн Шоҳ Абдулкарим Нарурий Кашмирий бўлган. У кишининг аждодлари Бағдоддан Ҳиндистоннинг Мултон шаҳрига, сўнгра Лохурга кўчиб, кейин Кашмир шаҳрида қўним топганлар. Шайх ҳижрий 1292 йил, шаввол ойининг 27-сида Кашмир шаҳри яқинидаги Вудвон қишлоғида дунёга келган.

Анваршоҳ Кашмирийнинг отаси Муаззамшоҳ олим ва ўта тақводор бўлиб, суҳравардия тариқати шайхи эди. Онаси солиҳа ва обид, ибодат ва тақвода машхур аёл бўлган. Бўлажак олим ёшлигидан илм масканида ўсиб-улғайди.

Анваршоҳ 5 ёшида Қуръони каримни хатм қилди. Бу орада ўша даврда оммалашган форсий

китобларни ўқиди. Кашмирий ўтқир зеҳни билан қисқа муддатда тенгдошларидан ўзиб кетди. Ўн ёшга тўлмасидан форсийда наср ва шеърлар ёзишда катта тажрибага эга бўлди.

Кашмирий наҳв, сарф, фикҳ ва усул фикҳ илмларини отасидан ўрганди. Бўлажак олим бошланғич китобларни ўрганиш асносида қийин саволлар берарди. Унга жавоб бериш учун отаси катта китобларни кўриб, изланарди.

Отаси ўғли ҳақида бундай дейди: «Анваршоҳ “Мухтасарул Қудурий” дарсида саволлар берарди, унга жавоб бериш учун “Мабсут” китобига мурожаат қилишга мажбур бўлардим. Мен фарзандимни чуқур ўрганишдан қайтариб, бор эътиборини Қудурий матнига қаратишини айтардим. Лекин фойдасиз эди». Отаси яна айтади: “Фарзандим таълим олиши учун бошқа устозга бердим, у киши ҳам унинг кўп савол беришидан шикоят қиларди”.

Анваршоҳ Кашмирий тенгқурларидан фарқли равишда ўйин-кулгига қизиқмасди. Ушбу хислатлари уни келажакда катта ишлар кутиб турганидан дарак эди. Буни жуда кўп фозиллар таъкидлашарди.

Отаси айтади: «Дуо олиши учун ўғлимни юртимиздаги таниқли шайхнинг ҳузурига олиб бордим. Олим у билан танишгач: “Барча илмларда

асримизнинг етук олими бўлади”, деди».

Ёш Кашмирий мантиқ китобларини ўқиш асносида таълиқ ёзар ва ўз фикрини баён этиб борарди. Уламолар унинг ишларини кўриб: “Бола ўз асрининг ғаззолий ва Розийси бўлади”, дердилар.

12 ёшида араб тили, фикҳ, ҳадис ва тафсир фанларида мукаммал илмга эга бўлди.

Анваршоҳ Кашмирий юртидаги илм булоқларидан таълим олди. Бу борада у буюк алломалар йўлини тутди. Унда сафар қилиш фикри пайдо бўлди. Ҳижрий 1305 йилда шимоли-ғарбдаги Панжобга сафар қилди. У ерда 3 йил давомида бир неча моҳир уламолардан таълим олди.

Анваршоҳ Кашмирий олган илмлари билан қаноатланмади. Ҳижрий 1310 йили Девбанд қишлоғидаги раббоний уламолар бешиги саналган “Ал-жомеатул исломийя дорул улум” университетида таҳсил олиш учун сафар қилди. Ўша вақтда жомеа: ҳадис ва мусталахул ҳадис; тафсир ва усул тафсир, фикҳ, усул фикҳ ва бошқа илмларда ҳам етук уламолари билан ажралиб, афзал ҳисобланарди.

Ушбу университет Ҳиндистон диёрини нурлантирган порлоқ қуёш каби эди. Набавий суннатни таълим йўналишида, уламолар ҳаётида эса амалда тирилтирди. Ўша



даврда узоқ давом этган ҳар хил бидъат-хурофотларни кетказишда катта хизмат қилди.

Ушбу муассасадаги ҳаёт шайх Кашмирийда саҳиҳ илм, соф ақида ҳамда суннатга эргашиш, уни ўрганиш ва ўргатиш муҳаббатини пайдо қилди. Ҳижрий 1313 йилда университетни битириб, фозил уламо бўлиб етишгунига қадар тафсир, ҳадис фанларидаги энг муҳим ва асл манбаларни ўрганди. Илми, тақвоси, дунёқарашининг кенглиги, кўп маълумотлардан хабардорлиги жиҳатидан оз сонли уламолардан бирига айланди.

Манбалар асосида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти талабаси Саидасрор НАҚИБХОНОВ тайёрлади.

Масала

Закотга доир фатволар

450-ФАТВО

Закотни беузр кечиктириб бериш гуноҳдир. Закотни ажратаётган ёки бераётган пайтда ният қилиш шарт. Шу ажратган ёки бераётган нарсам закот деб ният қилинади. Йилнинг охирига келиб, йил давомида берган садақаларимни закот деб ният қилдим, деса, закот ўрнига ўтмайди. Бутун бойлигини садақа қилиб юборса, ният шарт эмас.

“Оламгирия”, “Мухтасар”

451-ФАТВО

Фақир кишига берган қарзидан кечиб юборса, ундаги қарзи миқдордан закот вожиб бўлмайди. Агар қарзининг бир қисмидан кечса, кечган қисмидан закот соқит бўлади. Агар бой кишидаги қарзини унга ҳадя қилиб юборса, унинг закоти соқит бўлмайди.

“Оламгирия”, “Табйин”

452-ФАТВО

Бир фақирга бой киши фалон кишига берган қарзимни бориб, ўзинга олгин, деб закотни ният қилса бўлади.

“Оламгирия”, “ал-Баҳр”

453-ФАТВО

Камбағалга пул бериб, унга ҳадя ёки қарз деб айтиб, дилида закот деб ният қилса, закотга ўтади.

“Оламгирия”, “ал-Баҳр”, “Қуня”

455-ФАТВО

Гаровга қўйган бойлиги гаровга олган киши қўлида экан, ундан закот бериш вожиб бўлмайди.

“Оламгирия”, “ал-Баҳр”

456-ФАТВО

Яшаб турган уйлари, кийиб турадиган кийимлари, уй жиҳозлари, минилиб турган улов, озик-овқати, пардоз буюмлари (агар тилла, кумушдан ясалмаган бўлса), гавҳар, маржон, ёкут, зумрад (агар сотиш учун сақланмаётган бўлса), олимнинг фойдаланиб турган китоблари, касб-хунар асбоблари каби нарсалардан закот берилмайди. Бўёқчининг идишдаги бўёқлари, тери ошловчининг идишдаги ёғларидан закот берилади. Кирчининг совунларидан закот берилмайди.

“Оламгирия”, “Жавҳара”, “Кифоя”

5-бетда

Тўғри йўл кўрсатиш ва таълим беришда мукаммал йўл тутишлари*

Набий алайҳиссалом: «**Фараз қилинг, бир киши саҳрода юрганида егулик ва ичимликлар ортилган улови қочиб кетди. У (туянинг қайтиб келишидан) умидини узди. Бир дарахтнинг олдида келиб, уловидан умидини узган ҳолда сояда ёнбошлади. Бир пайт қараса, улови олдида турибди. Шунда унинг жилловини ушлаб, хурсанд бўлганидан: “Аллоҳим, Сен менинг бандамсан, мен Сенинг Раббингман!” деб юборди. Хурсанд бўлганидан хато гапириб юборди. (Билиб қўйинглари!) Бандда тавба қилганида Аллоҳ бундан ҳам кўпроқ хурсанд бўлади»**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Нақадар гўзал ўхшатиш! Аллоҳ таоло тавба қилувчи банданинг тавбасини қабул қилиши, ундан розилиги, бандаларига раҳмати кенг экани ва уларга меҳрибон эканини тушунтириш учун бир чўлу биёбонда қолиб кетган кишининг мисолини келтирдилар. Сафарга жиддий тайёргарлик кўрилмаса, саҳрони кесиб ўтиш ҳалокатга сабаб бўлади. У киши саҳрони кесиб ўтиш учун йўлга ҳозирлик кўриб, уловига озик-овқат юклади. Йўлга чиқиб, саҳронинг ўртасига етганида беҳосдан улови қочиб кетиб, уни топишдан умид узди. Ўлимига рози бўлиб, бир дарахт соясида ётган эди, қочиб кетган улови саҳрода айланиб юриб, яна олдида келиб қолди. Табиийки, бу пайтда улов эгасининг қувончи ичига сиғмайди. Набий алайҳиссалом бу ўхшатиш орқали Аллоҳ таоло бандаларининг тавбасидан бундан-да хурсанд бўлишини тушунтириш билан бирга, умматларини тавба қилишга ундамоқдалар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таълим беришда ҳақиқатни яқинлаштириб, уни

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.



зеҳнларда гавдалантириб берадиган воситалардан фойдаланар эдилар. Бу нарса эшитаётган кишига тушунтирилаётган нарсанинг ҳақиқий суратини тасаввур қилиш ва унинг шаклини ҳаёлан чизиш имконини беради.

Бир куни Пайғамбар алайҳиссалом орзу-умидлар ҳамда узоқ ва кўп орзу қилиш ҳақида сўз юритдилар. Инсон ҳаёти давомида кўп орзулар қилади, унинг кизиқишлари тоғдек бўлади. Лекин ўлим у билмайдиган ва сезмайдиган тарафдан келади. Ўлим унинг орзу-умидларини кесади ва аҳволини расво қилади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақиқатни ёнларидаги саҳобаларга тушунтириш учун ерга шакл чизиб кўрсатдилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўртбурчак чиздилар. Кейин унинг ўртасидан чиққан бир чизик чиздилар. Ўша ўртадаги чизикқа қаратиб, унинг четидан кичкина чизиклар чиздилар. Сўнгра: **“Мана бу—инсон. Бу эса унинг ажали. У уни ўраб турибди ёки уни ўраб олган. Мана бу чиқиб тургани—унинг орзулари. Мана бу кичик чизиклар—тасодифий ҳодисалар. Агар унисидан ўтиб кетса, буниси чақади, бунисидан ўтиб кетса, униси чақади”**, дедилар».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳадисда: **“Аллоҳ таоло Ўз соясидан бошқа соя йўқ кунда етти кишини соясига олади”**, дедилар. Шу етти тоифадан бирини изоҳлай туриб, **«Мансаб ва ҳусн-жамол соҳиби бўлган аёл ўзига чорласа, “Мен Аллоҳдан кўрқаман”, деган одам»**, деб марҳамат қилдилар.

«Аёл ўзига чорласа» деган жумла билан ажойиб тарзда ишора қилганларига эътибор беринг! Маълумки, бу жумладан «аёл уни гуноҳ ва фаҳш ишга чақирса» деган маъно кўзда тутилган. Ушбу ишора усулини қуйидаги ҳадисларда ҳам қўллаганлар:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилдилар: **«Қачонки у бунни (эр хотинини) бағрига олса ва унга яқинлик қилса, ғусл вожиб бўлади»**.

Яна бир ҳадисда: **“Ким менга икки жағи ва икки оёғи орасидаги нарсани ёмонликдан тийишига кафолат берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман”**, дедилар. Жинсий аъзони чиройли ва ифодали тарзда **“икки оёғи орасидаги нарса”** деб тушунтирдилар.

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг “Икки олам сарвари” асаридан Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ таржимаси

Ибратли ҳикоялар

“Раббинг кузатиб турганини ҳис қил...”

Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ўн-ўн икки ёшлардаги шогирди бўлиб, устозининг суҳбатларида кўп қатнашар ва тавсияларига амал қилар эди. Бир куни имом Қуръон тиловатининг фазилати ҳақида гапирди. Йигитча суҳбатдан жуда таъсирланди. Ҳар куни хуфтондан сўнг бомдодгача ўтириб Қуръонни хатм қила бошлади. Кундузлари эса рўзадор бўлди. Табиий, давомий риёзат

унинг соғлигига салбий таъсир қилди. Озиб-тўзиб кетди.

Қаттиқ ташвишга тушган ота-онаси унга кўп насиҳат қилди, аммо фойда бермади. Шундан сўнг улар Имом Аҳмаднинг олдида бориб, ҳолатни аңглатдилар.

Имом йигитчани чақириб сўради: — Ўғлим, сен ҳар кеча Қуръонни хатм қилаётган эмишсан?

— Ҳар доим эмас. Қиш кечаларида битираман. Ёзнинг кечалари қисқа бўлганидан хатм қила олмаяпман.

— Офарин! Ўғлим, бугун сен Қуръон ўқиётганингда ёнингда мен ўтирганимни тасаввур қил. Шундай ўқи.

— Хўп, — деди йигитча. Эртасига йигитча келди. Имом сўради:

— Хўш, бугун қанча ўқидинг?

5-бетда

Жоҳилликнинг давоси

Жоҳилликнинг энг асосий давоси китоб ўқишдир. Зеро, китоб инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаидир. Унга ошно киши дунё ва охират шарафи бўлган илмни эгаллайди.

Алҳамдулиллаҳ, юртимизда барча соҳаларга оид китоблар кўпаймоқда. Биргина диний йўналишни олиб қарасак, тафсир, Қуръони карим маънолари таржимаси, ҳадис, ақида ва бошқа фанларга оид кўплаб асарлар она тилимизда нашр этилмоқда. Уларни мутолаа қилиш керак, холос.

Ўтмишда Қуръон, ҳадислар билан биргаликда мумтоз адабиётимиз намуналарини ўқиш анъанага айланган. Бугун ора-мизда бу бебаҳо маънавий бой-ликнинг қадрига етмаётганлар

талайгина. Нафақат ёшлар, катталар ўртасида ҳам ижтимоий тармоққа боғланиб қолиб, китобдан узоқлашиш ҳолатлари кўп кузатишмоқда. Оқибатда уларнинг маънавияти, тафаккур қуввати заифлашмоқда. Ҳаётда рўй бераётган айрим нохушликларнинг илдизи эса ўша илмсизлик ва китоб ўқимасликнинг аччиқ меvasидир. Ақлимиз илм ва мутолаа билан чархлаб турилсагина, бундай салбий ҳолатлардан сақланиш мумкин.

Ҳар қандай янгилик кун келиб эскиради, бироқ инсониятнинг минг йиллар давомида қўлга киритган маънавий дурдоналарини ўзида жамлаган китоблар асло эскирмайди. Бунга улуғ зотлардан бизгача етиб келган ўлмас асарлар исботдир.

Имом Муҳаммад ибн Ҳасан

Шайбоний китоб ўқиш асносида мураккаб бир масалага ечим топганида: “Бундай лаззатни подшоҳларнинг болалари ҳам кўрмаган”, дер эди.

Буюк муҳаддис Имом Абу Довуд Сижистоний ўзига кийим тиктирганида, унинг егини кенг қилиб тиктирар, қаерга борса, ўша енгларида китоб бўларди. Бўш вақт топилди дегунча, китоб мутолаасига киришарди.

Машҳур уламолардан Абул Фараж ибн Жавзий: «Мен китоб мутолаасига ҳеч тўймаганман. Агар ўзим ўқиб кўрмаган бирорта китобни кўриб қолсам, гўёки хазинанинг ичига тушиб қолгандек бўлардим. Агар, “Йигирма минг мужаллад китоб ўқиб чиққанман”, десам ҳам муболаға қилмаган бўламан, лекин китоб ўқишда давом этаман», деган.

Ҳасан ибн Саҳл айтади: «Маъмун ухлаганда атрофида китоблар турар эди. Ухлашдан олдин ҳам китоб ўқир эди. Уйқудан уйғониб кетганда ҳам китоб ўқир эди. У инсон шундай васият қилар эди: “Ёлғизлик ваҳшатини китоб ўқиш билан енггин. Албатта, китоблар сўзловчи тиллар ва тикилиб турувчи кўзлардир”.

Хусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи муҳсиний” асарида бундай ёзади: “Энг яхши суҳбатдош ва энг мақбул дўсту улфат улуғларнинг китобидир”.

Китоб илми дониш ва маънавий озуканинг асосий манбаидир. Шундай экан, китобни дўст тутиш ва унга эҳтиром кўрсатишдан бир зум ҳам тўхтамаслигимиз керак.

Ойдинисо МАМАСОЛИЕВА,
“Жўйбори Калон” аёл-қизлар
ўрта махсус ислом таълим муассасаси
талабаси

Холис фикр

Уламолардан бири ҳикоя қилади: «Масжидларнинг бирида намоздан сўнг ёши улуғ киши менга қараб: “Биринчи сафдаги намозхонларга эътибор беринг”, деди. Мен биринчи сафдагиларга назар ташладим, сўнг: “Сизни тушунмадим, нима демоқчисиз?” деб сўрадим. У киши: “Уларнинг орасида бирорта мансабдор ёки эътиборли кишини кўряпсизми?” деди. “Бўлса ҳам, жуда оз”, деб жавоб бердим. У: “Кўпчилиги оддий ишчи ёки хизматчилар, ҳайдовчилар ва ҳоказо, тўғрими?” деди. Мен: “Ҳа”, дедим. “Демак, бизнинг Аллоҳ таолонинг олдидаги даражамиз ҳам шундай. Энди, ўзимизга қаранг, биримиз тўртинчи, бошқамиз бешинчи сафдамиз. Қиёмат кунида ҳам шундай бўлади. Масжиддаги

Ёмонликдан қайтариш

Аллоҳ ила мулоқот кўринишлари

ҳолатимиз бизнинг Аллоҳ таоло наздидаги даражамиздан дарак бермоқда”, деди у.

Бу одамнинг гаплари мени ҳайратга ва ҳатто даҳшатга солди. Гўё юзимга бир шапалоқ тортгандек бўлди. Шу заҳоти Аллоҳ таолонинг ушбу оятлари: “(Учинчи тоифа эзгу ишларда) ўзиб-ўзиб кетган зотлардир. Айнан ўшалар (Аллоҳга) яқин зотлардир” (Воқеа сураси, 10-11-оятлар) ва Набий алайҳиссаломнинг: “Агар азон ва биринчи сафнинг савобини билганларида, эмак-лаб бўлса ҳам келган бўлар эдилар”, мазмунидаги ҳадислари ёдимга тушди.

Бу гап намозга кеч қолиб

келаётган, биринчи сафга улгурмаётганлар ҳақида айтилди. Масжидга умуман келмайдиган ёки фақат жума намозига келадиганларнинг охиратдаги даражалари қандай бўлар экан?

Аллоҳим, камчилик ва қусурларимизни Ўзинг афв эт!»

Ҳадиси шарифда: “**Ким Аллоҳ билан мулоқот қилишни истаса, Аллоҳ ҳам у билан мулоқот қилишни истайди. Ким Аллоҳ билан мулоқот қилишни истамаса, Аллоҳ ҳам у билан мулоқот қилишни истамайди**”, дейилади (Муттафақун алайҳ).

Аллоҳ таоло билан мулоқот қилиш фақат ўлимдан кейин

бўлмайди. Намоз ҳам, зикр ҳам, дуо ҳам, Қуръон ўқиш ҳам, Аллоҳнинг неъматлари устида фикр юри-тиш ҳам, садақа қилиш ҳам, одамларга меҳр билан муносабатда бўлиш ҳам, илм олиш, уламоларга эҳтиром кўрсатиш ҳам Аллоҳ билан мулоқот қилишнинг кўринишлари аслида.

Энди ўзимизга савол бериб кўрайлик, қанча фурсатимизни Аллоҳ билан мулоқот қилиш учун сарфлаяпмиз?

“**Бас, кимки Парвардигори билан мулоқотда бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда эзгу амал қилсин ва Парвардигорига ибодат қилишда ҳеч кимни шерик қилмасин!**” (Каҳф сураси, 110-оят).

Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг биринчи ўринбосари

Ҳар қандай бидъат залолатдир

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай огоҳлантирганлар: “**Сизлар менинг ва тўғри йўлда юрувчи, ҳидоят топган халифаларимнинг йўлини тутинг, уни озиқ тишларингиз билан тишланг** (яъни маҳкам ушланг). **Динга янгиликлар киритишдан сақланинг, албатта, ҳар қандай бидъат – залолатдир**” (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Ислом, шак-шубҳасиз, энг мукаммал ва баркамол диндир. Мо-ида сураси 3-оятда бундай дейилади: “...Ана, энди бугун, диннингизни камолига етказдим,

неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломнинг дин бўлишига рози бўлдим...”

Таассуфки, ҳалигача мусулмонлар орасида бидъат йўқолиб кетмади. “Икки ҳайит орасида тўй қилиб бўлмайди”, “Сафар ойида сафарга чиқилмайди”, “Бир уйда икки чилла сақланмайди”, “Мушкул-кушод”, “Биби сешанба” каби амаллар мусулмонлар орасида тарқаган битъатлардандир.

Баъзи жойларда тўй-маъракаларга ёшлар келажига таъсир қилади, деб бефарзанд, турмушдан қайтган аёллар чақирилмайди.

Уларга бу бидъат, нотўғри иш эканини айтсангиз, “ота-боболаримиз қилиб келган”, дейишади. Бақара сураси 170-оятда ўқиймиз: “**Уларга (мушрикларга): “Аллоҳ нозил этган нарсага (оятларга) эргашингиз!” дейилса, улар: “Йўқ, биз ота-боболаримизни не узра топган бўлсак, ўшанга эргашамиз”, дейдилар. Ота-боболари бордию ҳеч нарсага ақллари етмайдиган ва тўғри йўлдан юрмайдиган бўлган эсалар-чи?!»**

Ирим-сиримлар Аллоҳ таолонинг ғазабини келтиради, Унинг неъматлари тўсилишига сабаб бўлади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Кимки бидъат ва хурофотни тарқ қилмас экан, Аллоҳ таоло унинг бирорта савобли амалини қабул қилмайди**”, деганлар. Мўмин киши турли хурофот амаллардан йироқ бўлиши, шариат аҳкомлари, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини ҳаётига татбиқ этиши лозим.

Тошпўлат АШУРОВ,
Когон шахри

Тишларинг тўкилди, шукринг йўқ

Дандони мо зи хўрдани неъмат
тамом рихт,
Андухи рўзий аз дили мо
кам намешавад.

Таржимаси: Тишларимиз неъматларни еявериб буткул тўкилар, лекин дилимизда ризқнинг ғами камаймас.

Оғзимиздаги тишларимиз тош еб эмас, балки Аллоҳ таолонинг бир-биридан ширин неъматларини тўхтовсиз еб-ичиш натижасида битта қолмай тўкилди. Лекин ҳануз оч қолиш ташвиши қалбимизни кийнайверади.

Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий бундай дейдилар: “Эй ношуд банда! Тишларинг неъмат еявериб тўкилди. Лекин тишларинг неъматларни еб турганида уларга энг яқин гувоҳ бўлган тилинг неъмат соҳибига шукр айтишга ярамади”.

Тиш тўкилиши ҳақида гап кетганида Муфтий Шафеъ Усманий раҳимахуллоҳнинг гўзал бир сўзларини эслаб ўтсак. У киши бундай

дейдилар: “Буюк ҳикмат эгаси бўлган Аллоҳ таоло инсон жисмига таомларни майдалаш учун икита тегирмон жойлаб қўйган. Бири ошқозон ичидаги ҳазм қилиш қуввати бўлса, иккинчиси оғиздаги тишлардир. Қарилик туфайли ичкаридаги тегирмон яхши ишламай қолгач, оғиздаги тегирмон, яъни тишларни ҳам тўкилиб кетиши айни ҳикматга мувофиқдир. Биринчи тегирмондан нарсалар тўхтовсиз майдаланиб ўтса-ю, ичкаридаги тегирмон уни эза олмаса, инсон жуда ноқулай аҳволга тушиб қолади”.

Ҳеч дардий баттар аз офияти

доим нест,

Талхийи тоза беҳ аз қанди

мукаррар бошад.

Таржимаси: Доимий офиятдан ёмонроқ бир дард йўқ. Янги тахирлик такрорий қанддан яхшироқ.

Бутун умр сиҳат ва саломатликда ҳаёт кечириш шундай бир

беморлики, ҳақиқатда бундай дард ва хасталик бўлмайди. Ҳар бир нарса ўз зидди ва акси билан билинганидек, саломатликнинг кадр-қиймати ҳам беморлик сабабли англашилади. Офият ва саломатлик неъматига шукр қилиш ҳам ўшанда ҳаёлга келади. Ўткинчи бу ҳаётда ора-сира аччиқ нарса еб туриш ширин нарсанинг қадрини билишга, ундан ҳақиқий лаззатланишга сабаб бўлади.



Жаннатнинг мазаси келади...

Жуда кўп кишилар жувозни юргизадиган ҳўкизга ўхшайдилар. Жувозни юргизадиган ҳўкиз умр бўйи, тўхтовсиз юрганда ҳам, ўша жойида тураверади. Худди шундай шайтон баъзи кишиларни аҳмоқ қилади. Улар “Аллоҳ, Аллоҳ” деб зикр ҳам қилаверади, гуноҳ ҳам қилаверади, номаҳрам гўзалларга қарашни ҳам тўхтатмайдилар. Бундай киши тўхтовсиз юраётганга ўхшагани билан аввалги жойида тураверади,

Аллоҳ таолога яқин боролмайди. Шунинг учун ҳиммат қилиб, гуноҳни тарк этинг. Ўлгандан сўнг инсон гуноҳ қилолмайди. Зеро, бирор мурда номаҳрамга шаҳватли назар солмайди. Лекин у вақтда унга ҳеч қандай ажр берилмайди. Чунки у гуноҳ қилишга умуман қодир эмас. Тириклигинда гуноҳни тарк қилгину, Аллоҳнинг дўсти бўл. Дейлик, бир одам вафот этди. Ўлганидан кейин устига бомба тушиб, жисми тилка-пора бўлди. Нима дейсиз, шу одамга шаҳидлик насиб бўладими? Йўқ.

Ўликларнинг “шаҳидлиги” қабул бўлмайди. Шунинг учун ўлиб, гуноҳни тарк этишни кутманг. Тирикликда гуноҳни тарк этиб, Аллоҳ таолога фидо бўлинг. Шунда қалбингиз Аллоҳ таолога яқин бўлишнинг лаззатини тотганини кўрасиз. Дунёдаёқ сизга жаннатнинг мазаси кела бошлайди.

“Мажолиси ҳакимул умма”

ва Ҳақим Ахтарнинг “Афзоли Раббоний”

асарларидан Ёрқинжон ҲОЗИЛОВ

таржимаси.

Ибратли ҳикоялар

“Раббинг кузатиб турганини ҳис қил...”

3-бетда

— Устоз, ёнимда сизни тасаввур қилганимдан Қуръонни тез ўқий олмадим. Ўн беш пора ўқидим, холос, — деди йигитча хижолатли аҳволда.

— Яхши, — деди имом. — Бу кеча Қуръонни ёнингда Жаброил алай-ҳиссалом тургандек ўқи. Ҳўпми?

— Ҳўп бўлади!

Эртаси бомдоддан сўнг йигитча устознинг ҳузурига келди. Устоз сўради:

— Бугун қаеригача ўқидинг?

— Устоз, бу кеча Оли Имронгача ўқий олдим, холос. Бомдод бўлиб қолди.

— Офарин! Энди бу кеча Қуръон ўқиётганингда, ёнингда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кузатиб тургандек ўқи.

— Ҳўп, устоз, — деди йигитча.

Эртасига йигитча имомнинг ҳузурига келиб деди:

— Устоз, бу кеча Расулulloҳнинг ёнларида ўқигандек тиловат қилдим. Фотиҳани ўқидим. Алиф, Лаам, Миим деб, у ёғини ўқий олмадим. Бомдод бўлиб қолди.

— Офарин, ўғлим... Энди бу кеча шундай ўқигинки, оламларнинг Рабби сени кузатиб турганини ҳис қил.

— Ҳўп бўлади, устоз!

Йигитча эртасига имомнинг ҳузурида пайдо бўлди. У жуда ҳаяжонда эди.

— Нима бўлди, ўғлим?

Йигитча деди:

— Устоз, бу кеча ҳеч нарса ўқий олмадим. «Аъзу»ни айтдим.

«Басмала»ни ўқидим. «Алҳамду лиллааҳи Роббил аъламин» дедим. Ҳис қилдимки, оламларнинг Рабби мени кузатиб турибди. «Ар Роҳманир Роҳийм» дедим. Лекин «Ийяка наъбуду»ни айта олмадим. Унинг ҳузурида бу оятни ўқий олмадим. Тонггача бу сўзни айта олмадим. Ичимда шунча қусурларим бор экан, риёкорлик қилиб «Ийяка наъбуду» — “Фақат Сенгагина ибодат қиламиз” дея олмадим...

Шогирднинг кўзлари ёшли эди. Имомнинг мақсади ҳосил бўлганди...

Юсуфжон ШОДИЕВ,

“Ҳидоя” ўрта махсус билим юрти

ўқитувчиси

Масала

3-бетда

458-ФАТВО

Қарздор одам агар қарзини берадиган бўлса, қолган пули нисобдан камайиб қолса, унга закот вожиб бўлмайди. Бировдан бир нисоб миқдорида қарз олган киши қўлида беш нисоб миқдорида бойлиги бўлса, тўрт нисоб ҳисобидан закот беради. Ўташи лозим бўлган назр, каффорат, фитр садақаси, ҳаж учун тўплаган пулидан, уларга ишлатмаган бўлса, закот беради.

“Оламғирия”, “Муҳит”

459-ФАТВО

Далил, ҳужжати йўқлиги учун берган қарзини бўйнига олмай юрган қарздорга қарши далил-ҳужжатга бир неча йилдан кейин эга бўлиб, қарзни ундириб олса, ундан ўтган йиллар учун закот вожиб бўлмайди.

“Оламғирия”, “Табйин”

460-ФАТВО

Қарздор узоқ жойга қочиб кетса, қаралади — агар қарз берган одам уни топиб келишга қодир бўлатуриб, ҳаракат қилмаса, закот соқит бўлмайди. Топиб келишга имконияти бўлмаса, ундаги пулдан закот бермайди.

“Оламғирия”, “Муҳит”

461-ФАТВО

Закотда йил қамарий сана ҳисоби билан ҳисобланади (354 кун). Йилнинг боши ва охирида закот нисоби мавжуд бўлиб, ўртасида нисобдан камайиши закотни соқит қилмайди.

“Оламғирия”, “Ҳидоя”

462-ФАТВО

Йил давомида тижорат молларининг жинсларини ўзгартириб туриши йил ҳисобининг ўзгаришига, янги-ланишига сабаб бўлмайди. Аммо чорва моллари йил давомида алмаштириб турилса, йил ҳисоби охиргисидан бошлаб эътиборга олинади.

“Оламғирия”, “Муҳит”

7-бетда

Ҳозир янги туғилган фарзанд учун қилинадиган эҳсон маросимини “ақиқа” дейиш урф бўлган. Истилоҳда эса: “Ақиқа – туғилган бола ҳақиқа унинг бир ҳафталигида сўйиладиган жонлиқдир”.

Алоуддин Косоний раҳимахуллоҳ “Бадоеъус саноеъ”да бундай дейди: “Ақиқа жоҳилиятда эди, мусулмонлар Ислоннинг аввалида қилдилар. Сўнг қурбонлик (қилиш амри билан) унинг ҳукми насх (бекор) бўлди. Ким хоҳласа қилади, хоҳламаса қилмайди”.

Китобнинг давомида келади: «Албатта, билдикки, бу каби қон чиқаришлар Ойша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинган ҳадис сабабли насх (бекор) бўлган. Ойша розияллоҳу анҳо онамиз айтдилар: “Рамазон рўзаси ўзидан аввалги барча рўзани насх қилди ва қурбонлик ўзидан олдинги барча сўйишларни насх қилди ва жанобатдан қилинадиган ҳусн ўзидан аввалги барча ҳуснларни насх қилди”. Зоҳир шуки, Ойша онамиз буни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитиб айтганлар, чунки бир ҳукмнинг насх қилиниши ижтиҳод билан англанадиган нарсалардан эмас».

Ақиқанинг тафсилоти – туғилган бола етти кунлик бўлганида қўй сўйиб, зиёфат бериш ва сочини олишдир.

“Фатавои ҳиндия”да ақиқа ҳақида бундай

дейилади: «Ақиқа мубоҳдир, суннат ё вожиб эмас. Кардариининг “ал-Важиз”ида ҳам худди шундай. Имом Муҳаммад раҳимахуллоҳ ақиқа борасида: “Ким хоҳласа, қилади, хоҳламаса, қилмайди”, деган».

Мутааххир уламолардан Ибн Обидин Шомий “Раддул мухтор” китобида айтади: «Хотима. Янги туғилган бола бир ҳафталик бўлганида унга исм қўйиш ва бошини қириб, сочининг вазнича – уч имом (гаплари)га кўра, – кумуш ё тилла садақа қилиш, сўнг ақиқа қилиш мустаҳаб бўлади. Бу ақиқа “Жомеъул маҳбубий”га кўра, мубоҳ ёки “Шарҳу Таҳовий”га кўра, татаввуъдир. Ақиқа бу ўғил ва қиз учун қурбонликка ярайдиган қўйни сўйишдир. Унинг гўштини хомлигича ёки пишириб тарқатиш жоиз. Бунда жонлиқнинг суяқларини синдириш ё синдирмаслик, зиёфатга бошқаларни чақириш ё чақирмасликнинг фарқи йўқ. Имом Молик раҳимахуллоҳ ҳам шундай деган. Имом Шофеъий ва Имом Аҳмад

раҳимахумаллоҳ эса, ақиқани суннати муаккада деб, “ўғил болага иккита қўй, қиз болага битта қўй”, деганлар».

Мутааххир улуғ уламоларимиздан “Хулосатул фатаво” соҳиби Тоҳир Аҳмад раҳимахуллоҳ Имом Муҳаммад раҳимахуллоҳнинг “Ақиқа қилинмайди”, деган гапларини вожиб ё суннат эмас, балки мубоҳ деб шарҳлади. Тоҳир Аҳмад раҳимахуллоҳ Имом Лақнавий раҳимахуллоҳ тақсимоотида иккинчи, яъни “Ақобирул мутааххирин” табақасидаги уламолардан ҳисобланади. Сўфи Оллоёр қуддиси сирруху

ҳазратлари “Хулосатул фатаво”ни мўътамад манбаларнинг аввалида санаган. Демак, ақиқа, яъни янги туғилган фарзанд ҳақиқа жонлиқ сўйиш бизнинг мазҳабимизда мубоҳдир. Бу энг мўътамад ҳукм ҳисобланади.

 **Ҳумоюн СИРОЖИДДИНОВ,**

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти талабаси



Асл ислоҳ

Кичик ишлар катталаридан дарак

Асмаъий айтади: «Ҳорун Рашиднинг ҳузурида одамлар Офият исмли қозидан шикоят қилиб қолишди. Халифа дарҳол уни чақиртириб, ҳамманинг олдида сўроққа тутди. Шу орада Ҳорун Рашид аксириб юборди. Атрофдагиларнинг барчаси “Ярҳамукаллоҳ” дейишди. Аммо қози Офият индамади. Ҳорун Рашид сўради: “Нега сен бошқалар каби менга “Ярҳамукаллоҳ” демадинг?” Қози жавоб қилди: «Чунки сиз “Алҳамдулиллаҳ” демадингиз, эй мўминлар амири. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида икки киши аксирди. У зот уларнинг бирига ташмит айтиб, иккинчисига айтмадилар. Шунда улардан бири сўради: “Ё Расулulloҳ! Негача унга ташмит айтдингиз, менга индамадингиз?” “У аксириб, Аллоҳга ҳамд

айтди. Сен эса, айтмадинг. Шунинг учун сенга ташмит айтмадим”, дедилар Набий алайҳиссалом».

Буни эшитган халифа қози Офиятга: “Бориб ишингни давом эттиравер. Аксириб, “Алҳамдулиллаҳ” демаган кишини афв этмаган одам бошқа катта ишларда, албатта, адолатсизлик қилмайди!” деди» (“Тариху Бағдод”, “Тариху Димашқ”).

Инсонларни танишингиз учун уларнинг қалби тубида яшашингиз шарт эмас. Улар турли вазиятларда ўзликларини ошкор қилишади.

Кишиларнинг ўзидан пастдаги инсонларга қиладиган муомаласидан кўксидаги қадриятлари ва олган тарбиясини англаса бўлади. Бизнинг ҳақиқий ахлоқимиз оддий қоровулга, кўчаларда озгина нарсани сотиб ўтирган кишига, кўча тозаловчига, уйдаги

хизматкорга қилган муомаламиздан билинади.

Вазирлар, ҳокимлар, раислар ва мудирларга ҳамма ўзини одобли кўрсатаверади. Ҳақиқий ахлоқ ғазаб ҳолатида билинади. Хурсандчиликда ҳамма сиёсатчи бўлади. Шунинг учун араблар: “Дўст тутмоқчи бўлган одамнингнинг ғазабини келтир. Агар сенга зарар бермаса, дўст тутавер!” дейишади.

Эр-хотинларнинг ахлоқи ётоқхонада эмас, ҳаёт йўлларида билинади. Ўзаро ихтилоф чиққанида ё етишмовчилик бўлганида билинади. Вазият ҳақ ва бурчларга эмас, чиройли муомалага эҳтиёж сезганида билинади!

Гоҳида келишмовчиликлар, ихтилофлар бизни бошқаларга, бошқаларни эса бизга фош қилади, танитади.

Сизнинг ҳақиқий хулқингиз масжидда билинмайди. Масжидда ҳамма ўзини тақводор ва сипо кўрсатади. Асл хулқ-атворингиз масжиддан чиққанингизда, дўконингизда, кўчада, машина ҳайдаганингизда, савдо қилганингизда, қарз олди-бердингизда, бемор кўрганингизда, устахонангизда, мансабда турганингизда, қисқаси, ўзаро муомалотда билинади.

Сизнинг маданиятга эришганингизни профилингизда китоб билан қаҳва суратини қўйганингиздан эмас, истироҳат боғини қандай ҳолатда тарқ қилганингиздан, сувдан бўшаган елим идишларни қаерга ташлаганингиздан, ғижимланган қоғозни машинадан улоқтирган ёки улоқтирмаганингиздан билинади.

Унутманг, кичик ишлар аслида катта ишлардан дарак беради!

Ҳар бир сўзимизга жавоб берамиз

Али Тантовий раҳимахуллоҳ ўзининг “Зикриёт” китобида ёзади:

“Эллик йилдан бери адабиёт билан машғулман. Ёзаман, нашр қиламан. Ҳатто энг ашаддий душманларим ҳам мени ёзган нарсаларим билан айблаш олмайди. Шундай бўлса-да, айтаманки, адабиёт, шеър ва санъат агар инсонлардаги динни кетказса, муруватни йўқотса, ифбатни зое қилса ва обрўни тўкса, бунақанги

адабиётга, шеърга ва санъатга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!”

Шайх Тантовий тўғри айтади. Биз ёзаётган ҳар бир ҳарфни аслида амал саҳифаларимизга битиб боряпмиз. Биз ижтимоий тармоқларда ёзаётган ҳар бир калимани фаришталар битиб бормоқда. Биз ёзаётган ҳар бир жумламиз учун Аллоҳнинг ҳузурида ҳали тик турамыз.

У кунда сизга: “Асарингда беҳаё саҳналарни кўпайтирсанг,

унинг бозори чаққон бўлади”, дейдиган нашриётлар туриб бера олмайди.

У кунда “лайк”лар сони, “поделимся”лар адади, қарсаклар овози сизнинг жонингизга ора қирмайди. Қабрда ёлғиз ўзингиз дафн қилинасиз. Уларнинг ҳеч бири сизга фойда бермайди.

Келинг, Имом Бухорий раҳимахуллоҳнинг ҳадис тўпламида келган Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир ҳадисларини

тааммул қилайлик: **“Банда ўзи унча эътибор бермасдан Аллоҳни рози қиладиган гапни гапириб юборади. Шу сабабли Аллоҳ унинг даражасини кўтаради. Бошқа бир банда унчалик эътибор бермасдан Аллоҳнинг ғазабига сабаб бўлаган гапни гапириб юборади. Шу сабабли Аллоҳ уни жаҳаннамга улоқтиради!”**

 **Абдулқодир ПОЛВОНОВ,**

“Урғут” жоме масжиди имом ноиб

Миллиардернинг устози

Миллиардер Рожиҳий эслайди: «Ёшлик пайтимда оиламиз шу даражада қашшоқ эдики, мактаб маъмурияти ташкил этган, баҳоси бир риёл бўлган саёҳатга пул топа олмадим. Қаттиқ йиғлагандим ўшанда. Аллоҳнинг меҳрибонлигини қаранг, саёҳатдан бир кун олдин фаластинлик устозим дарсда саволига тўғри жавоб берганим учун синфдошларимнинг қарсақлари остида менга бир риёл мукофот берди. Саёҳат орзуим ушалди. Мендан бахтиёр инсон йўқ эди гўё.

Улғайиб, катта ҳаётга қадам қўйдик. Йиллар ўтди. Аллоҳ таолонинг инояти билан ўз ишимга эга бўлиб, пул топа бошладим. Шу онларда менга бир риёл берган фаластинлик мударрисни эсладим. Хайру саволат нақадар улуғ амал эканини ҳис этдим. “Устоз бир риёлни менга садақа тарзида бердимикин ёки чиндан мукофот сифатидами?” деб ўзимга савол бера бошладим. Барибир тагига етолмадим. Нима бўлса ҳам, ўшанда менга катта қувонч бағишлаган эди... Шундай ўйлар мени фаластинлик устозни излаб

мактабга боришга ундади. У ердан манзилни суриштириб билдим.

Ниҳоят устоз билан кўришдим. Ишсиз, танг аҳволда, кўчиб кетишга ҳозирлик кўриб яшашаётган экан. Ҳол-аҳвол сўрашгач: “Устоз, менинг сиздан кўп йиллар олдин олган катта қарзим бор”, дедим. У киши қатъият билан: “Ҳеч кимнинг мендан қарзи йўқ”, деди. “Саволингизга тўғри жавоб бергани учун ўқувчингизга бир риёл бергансиз. Ўша болани эслай оласизми?” деб сўрадим. Устоз бироз ўйлангач, кулимсираб: “Бир риёлни қайтариш учун мени изладингми?” деди. “Ҳа”, дедим. Устозни қўймай машинага миндириб, йўлга тушдик ва чиройли вилла олдида тўхтадик. Ичкарига киргач: “Эй фазилатли устоз, мана шу вилла, анави машина ва бутун умр тўланадиган маош сиздан олган қарзимнинг тўловидир”, дедим. Устоз ҳайрон бўлиб: “Бу жуда кўп-ку!” деди. “Ишонинг, менга бир риёл берган вақтингизда туйган қувончим сиз уй ва машина сабабли ҳис этаётган хурсандчиликдан анча кўп

эди. Ўша қувончни ҳамон унутганим йўқ”, дедим».

Ҳа, азизлар! Мусулмонларнинг қалбларига қувонч улашинг, ташвишларининг аришига сабабчи бўлинг ва мукофотни Қарийм Зотдан кутинг».

Аллоҳ таоло мударриснинг қилган риёл эҳсонини бошқа бандаси орқали уй, машина ва бир умрлик маош ила мукофотлади.

Эслатиб ўтамиз, дунёда энг катта вақф этилган хурмозор Рожиҳий фондига тегишли бўлиб, бу боғ Саудия Арабистонининг Бурайда шаҳрида. Бу боғ Гиннеснинг рекордлар китобига кирган. Майдонни 54.660 донум (донум – майдон ўлчов бирлиги бўлиб, 910 квадрат метрга тенг). Боғда 45 навдаги хурмо етиштирилади.

Ҳар йили Рамазон ойида Макка ва Мадинадаги намозхонларга ўнлаб тонна хурмо текин тарқатилади.

📖 **НОЗИМЖОН ҲОШИМЖОН**
таржимаси

Намозда зикр

“Омин...” жаҳрий айтилмас

Ҳанафий мазҳабимизда Фотиҳа сурасидан кейин овоз чиқармай ичда “омин” дейилади. Чунки “омин” дуодир. Яъни, “ижобат қил”, маъносидадир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Раббингизга зорланиб ва хуфёна (овоз чиқармай) дуо қилингиз!”** (Аъроф сураси, 55-оят).

“Омин” калимасини овоз чиқармай айтиш ҳақида кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Алқама ибн Воил розияллоху анхумо отасидан ривоят қилади. У Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан намоз ўқиди. У зот Фотиҳа сурасини

тугатганларидан сўнг “валаззоллин”дан сўнг “омин”ни овоз чиқармасдан айтдилар (Имом Абу Довуд ривоти).

Абу Воил розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Али ва Абдуллоҳ ибн Масъудлар “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”ни ҳам, “аъзу”ни ҳам, “омин”ни ҳам овоз чиқариб айтмас эдилар» (Имом Табароний ривояти).

Иброҳим Наҳаъийдан ривоят қилинади: «Имом тўрт нарсани овоз чиқармасдан айтади: “Аъзу биллаҳи минаш шайтонир роҳийм”,

“Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”, “Роббана лакал ҳамд” ва “омин”» (Имом Абдураззоқ “Мусаннаф”да ривоят қилган).

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам намозни адо этиш тартибларига минглаб саҳобалар гувоҳ бўлган. Агар у зот “омин”ни овоз чиқариб айтганларида, у ҳақда сон-саноксиз ривоятлар келган бўларди.

📖 **МАЪРУФХОН АЪЛОХОДЖАЕВ,**
Наманган шаҳридаги “Абдулқодир қори”
жоме масжиди имом-хатиби

Ҳикоят

Чиройли йўл юриш...

Бир подшоҳ йўл курдирди. Ишлар ниҳоясига етгач, мусобақа уюштиришга қарор қилди. Хоҳлаган одам бу мусобақада иштирок этиши мумкинлигини эълон қилган шох энг чиройли йўл юрган кишини аниқлашини айтди.

Белгиланган кун йўл бошига халқ оқиб кела бошлади. Кимдир гўзал либосда, бошқа бири эса югуриш осон бўладиган қулай кийимда...

Барча кун бўйи ҳаракат қилиб янги йўлнинг бошидан охиригача бориб келди. Фақат подшоҳ хузурига қайтиб келганларнинг

барчаси бир нарсадан шикоят қилишди:

— Йўлда тўпланиб турган тош ва шағал уюми юришни қийинлаштиряпти!..

Қайтганлар сафи ортгани саъйин подшоҳнинг юзидаги ўйчанлик ошиб борди.

Қош қорая бошлаган пайтда бир йўловчи ҳориб-чарчаган, уст-бошичанг-тўзон ҳолда маррага етиб келди ва ҳурмат билан қўлидаги олтин косани подшоҳга узатди.

— Йўловчиларга халақит бераётган тош ва шағал уюмини олиб ташлаётгандим. Унинг остидан

мана бу олтин коса чиқди. Менимча, бу сизга тегишли!

— Йўқ, у сенга тегишли! — деди шох кулимсираб.

— Йўқ, — деди йигит ҳайрон бўлиб. — Ҳеч қачон бунча бойлигим бўлмаган.

— Ҳа, аввал бўлмаган. Бироқ мусобақада ғолиб бўлиб, ҳозиргина қўлга киритдинг. Чунки энг чиройли йўл юрган киши инсонларга халақит ва озор бераётган нарсаларни олиб ташлаган кишидир! Ҳалаба муборак!

📖 **НИГОРА МИРЗАЕВА** тайёрлади.

Масала

5-бетда

463-ФАТВО

Нисоб эгасининг бойлигига йил давомида қайси сабаблар билан бўлса-да, қўшилиб борган фойда (қўшимча) умумий бойлигига қўшилиб, закот ажратилади. Масалан, тижоратдан тушган фойда, мерос, ҳадя йўли билан тушган маблағлар каби. Аммо қўй, эчки, туя каби қўшилган нарсалар бошқа жинсга қўшилмайди. Нисобга йил тўлгандан сўнг қўшимча маблағ ва фойдалар янги йил ҳисобидаги нисобга қўшиб ҳисобланади. Бир нисоб эгаси бўлган одам тўлмаган йил ва кейинги бир неча йил ҳисобидан олдиндан закотларини бериб қўйиши мумкин.

“Оламгирия”, “Жавҳара”,
“Мухтасар”, “Қозихон”

464-ФАТВО

Нисобга етмаган молига янги даромадни қўшганида нисобга етадиган бўлса, қўшиб шу кундан бошлаб йил тўлиши ҳисобланади.

“Оламгирия”, «Бадое»

465-ФАТВО

Нисобга етган чорва молларига йил тўлиши билан закотини бериб бўлгач, у молларни сотиб юборса, уларнинг пулини қўлидаги нисобга етган пулига қўшиб закот берадими-йўқми, деган масалада Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ қўшиб ҳисобламайди, балки, унга янгидан йил ҳисобини бошлайди, деган. Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимахуллоҳ молларнинг пулини ҳам мавжуд нисобга қўшиб, закот беради, деганлар. Бу масала чорва моллари алоҳида нисобга етган ҳолатга тааллуқлидир. Аммо улар нисобга етмаган бўлса, ҳаммаларининг наздида уларнинг пули нисобга қўшиб ҳисобланади.

“Оламгирия”, «Жавҳара»

466-ФАТВО

Ерининг харожини (закотини) тўлаб бўлгач, сотиб юборса, пулини аслий нисобга қўшиб ҳисоблаб, закот беради.

“Оламгирия”, «Бадое»

📖 “Минг бир фатво” китобидан

Дори ичмайдиган касал...

Илм ўрганган ва илмига амал қилган инсон саодатга эришади. Унга бу дунёда азизлик ва охиратда шараф насиб этади.

Аллоҳ бизга ақл ва илм олиш салоҳиятини берган. Илм амалсиз наф бермайди. Чироқ бўлса-ю, уни ёқмасанг, қоронғида қолаверасан. Илмига амал қилмайдиган олим худди олдида турган дорини ичмагани боис касаллиги кучаяётган беморга ўхшайди. Ёки таом ичида туриб, унинг лаззатини ҳис қилмайдиган қошиқ қабидир.

Таълим олиш, уни кўпайтириш

Аллоҳдан қўрқувни зиёда қилмаса бефойдадир. Жидду жаҳд этиш биздан, муваффақ қилиш эса Аллоҳдан. Биз имкониятимизни ишга солишга масъулмиз. Бекорчи кимса ўликдан баттардир. Чунки ўлик озгина жойни эгалласа, бекорчи одам уй-жойларни, асбоб-ускуналарни банд қилиб туриши мумкин.

Шайх Абу Язид Бастомий раҳматуллоҳи алайҳ: “Нафсим билан ўттиз йил курашдим, шу кураш давомида илмига амал қилишдан кўра машаққатлироқ нарсани

кўрмадим”, деган. Амалнинг шунга яраша мукофоти ҳам улкан.

Бир киши Қози Байзовийдан Шерозга қози бўлмоқчилигини айтиб, уни мақтаб кўрсатма беришини илтимос қилибди. Шунда Қози Байзовий уни қуйидагича “мақтаб” кўрсатма ёзиб беради: “Бу одам дўзахдан бир гилам миқдоричалик жой истаётган солих, олим ва фазилатли кишидир”. Ушбу сўзлардан илмни нафс тамасига айлантганларнинг охиратдаги аҳволи англашилади.

Аммо амали ёмон олим илмни

даъво қилади, амални эмас. Ундан илм ўрганиб манфаат олиш мумкин. Амали учун эса ўзи жавоб беради.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу: “Бозорларимизда фақат фақиҳ бўлганларгина савдо қила оладилар”, деган. Субҳаналлоҳ, у зот бутун ўлкани мадрасага айлантириб юборган эди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **“Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир”**. Демак, пайғамбарлардан бизга мерос қолган нарсалар илмдир. Шу боис илм эгаллашда ғайратли бўлишимиз шарт.

Абдулҳай ЖўРАҚУЛОВ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти талабаси

Санъат



Ислом маданиятининг илк даврларида араб мамлакатларида тўрт хил ёзув истифода этилган. Булар – Хатти Маккий, Хатти Маданий, Хатти Басрий ва Хатти Куфий. Хатти Куфий Эрон ва Марказий Осиёда кенг тарқалди. Ўзиборлиси, куфий хатида ҳарфлар ўша даврларда ҳеч қандай нуқтасиз ёзилар эди. Бу уни ўқишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Шунинг учун кейинроқ бу хат ислоҳ қилиниб, нуқталар ва ҳаракат белгилари қўшилди. Шунга қарамай, Куфий хатида иш юритиш қийинлаша борди. Натижада у ўз ўрнини насх хатига бўшатиб берди. Чунки насх хатида нуқта ва ҳаракат белгиларини ўз ўрнида беҳато қўллаш

Хаттотлик тарихи

имкони мавжуд эди. Насх хатига Куфий хати заминидан араб хатоти Абу Али Муҳаммад ибн Али ибн Муқла (886–940) тартиб берди.

Куфий ва насх хатлари асосидаги алифбода ҳарфлар сони 28 та эди. Форслар ва туркий халқлар ўз тилларида мавжуд бўлган бир неча товушларнинг ҳарфларини бу алифболардан топа олишмади. Бу товушларни ифода этмоқ учун улар мазкур алифбога яна тўрт ҳарф илова қилдилар. Шундай қилиб форс ва туркий тилларда ишлатилган алифбонинг ҳарфлари 32 тага етди. Мана шу алифбо барча туркий халқлар орасида кенг тарқалди ва асрлар давомида илм ва адабиёт тараққиётига хизмат қилиб келди. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур алифбода илк бор туркий сўз битилган кундан ўзиборан у миллий ёзувга айланган эди. Шунга кўра, узок асрлар давомида араб алифбоси асосидаги миллий ёзув Шарқ мамлакатлари, жумладан, қўҳна Туркистонда ҳам ғоят тараққий топди ва насх хати заминидан бир қатор янги хатлар яратилди.

Энг машҳурлари Хатти сунбулий, Хатти сулс, Хатти райҳоний, Хатти девоний, Хатти таълиқ, Хатти настаълиқ ва Хатти шикастадир.

Сулс ва настаълиқ хатлари Марказий Осиёда кенг қўллана бошлади. Анъанага биноан сулс хатида сарлавҳалар, кейинроқ эса асар номлари ёзилган бўлса, настаълиқда асарлар кўчирилди. Айниқса, миллий адабиётимизнинг кўрки бўлган ғазаллар настаълиқ хатида ажиб зийнатга мушарраф бўлди.

Шу тариқа насх хатида “Хатти Куръоний” номи билан кўпроқ диний асарлар кўчиришда қўлланилган бўлса, настаълиқда эса илм ва санъатга оид китоблар кўчирилди.

Миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлмиш хаттотлик санъатига янгидан ҳаёт бахш этиш арабий ёзув қоидаларидан яхши хабардор бўлишни талаб этади.

Равшанбек ҲАЙИТБАЕВ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти 4-босқич талабаси

Газетхон илҳами

Парда

Авто олд ғилдираги
Остидан отилди тош.
Қарс этди...
Ногоҳ тормоз
Тепкисин босди бардош.

Менга қараб хезланган
Яширин шахсий ғараз
Кичик доира бўйлаб
Чизиқ-чизиқ кетмиш дарз.

Ойна ўртасидаги
Шаффоф қатлам дард торта,
Зарб билан учган тошни –
Парда қайтарган ортга...

Ўғе бахт ўғирлаган
Тош бўлиб менга учди,
Дарз кетган қалб тасвири
Синмас ойнага кўчди...

Нуқул бир боло бўлиб
Қўринадиган кўзимга –
Алмаштирдим ойнани,
Далда бердим ўзимга.

Шундай отилиб келар
Гоҳ ҳаёт зарбалари.
Бизларни тўсиб қолар
Аллоҳнинг пардалари.

Мўмин АБАЗОВ, Сирдарё шаҳри

Насиҳат

Вақтингиз зое бўлмасин

Вақтингиз беҳуда зое бўлмаслиги учун қуйидагиларга риоя қилинг:

1. Ишларингизни тартибланг;
2. Бекорчи ва беҳуда ўтиришлардан узок бўлинг;
3. Ишларнинг ортиқчаларидан воз кечинг;

4. Вақтини қадрлайдиган оқил, зукко ва тиришқоқ кишилар билан дўстлашинг;

5. Улуғ уламоларнинг киши кўнглида рағбат уйғотадиган таржимаи ҳолларини ўқинг;

6. Ҳар қандай ютуққа эришда вақтингиз ғаниматлигини ҳис қилинг;

7. Китоб мутолаасидан лаззатланинг;

8. Илм-маърифатингизни оширишда бардавом бўлинг.



“Уламолар наздида вақтнинг қадр” китобидан

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамсуддинхон

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV
Sodiq TOSHOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent–100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: **Dilmurod SODIQOV**
Musahhiha: **Zebo OMONOVA**
Sahifalovchi: **Komiljon MAHMUDOV**
Ekspertizaga berildi: **21.06.2023**
Xulosa (№03-07/4981) olindi: **03.07.2023**
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.670
227/12-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!